

الأحاديث النبوية

Ушбу китоб энг саҳиҳ ҳадис тўплами бўлган имом Бухорий китобларидан олинди.

Мусанниф:

Имом Зариф Амирхоний

Татаристоннинг "Урнек" босмахонасида чоп этилган.

Таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент

2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الأحاديث الصحيحة

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар...

1) "إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ، وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ لِدُنْيَا يُصِيبُهَا أَوْ امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ".

1. “Албатта амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта ҳар–бир кишини ниятига қарабдир. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва расулига бўлса унинг ҳижрати Аллоҳ ва расулигадир. Кимнинг ҳижрати дунёга етиш ёки аёлга уйланиш бўлса унинг ҳижрати ўша қилган ҳижратига мувофиқ бўлади”.

2) «بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَالْحَجِّ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ».

2. «Ислом беш нарсага бино қилинган: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар».

(3) إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسُ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ إِذَا لَمْ تَسْتَحِي فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ.

3. «Албатта, одамларга етиб келган нубувват сўзларидан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаганингни қилавер», деган гапдир», дедилар».

(4) الْإِيمَانُ بِضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ.

4. Иймон олтмиш неча шўъбадир. Ҳаё иймондан бир шўъбадир.

(5) الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ.

5. Ҳаё иймондандир.

(6) الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِالْخَيْرِ.

6. Ҳаё фақат яхшилиқни олиб келади.

(7) الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ، وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ.

7. Тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлган одам ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ таоло қайтарган нарсаларни ҳажр қилган (четланган) одам ҳақиқий муҳожирдир».

(8) لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ.

8. Ҳеч бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича мўмин бўла олмайди.

(9) لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ.

9. Ҳеч бирингиз унга отасиё боласидан севимли бўлмагунимча мўмин бўла олмас.

10) أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصَلَةٌ مِّنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصَلَةٌ مِّنَ النَّفَاقِ حَتَّىٰ يَدْعَاهَا، إِذَا أُوتِمِنَ خَانَ، وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ، وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ.

10. Тўрт (хислат бор), улар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича, унда мунофиқликдан бир хислат бўлади: омонат топширилса, хиёнат қилади; гапирса, ёлғон гапиради; аҳдлашса, аҳдни бузади; жанжаллашса, фожирлик қилади.

11) «ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ: أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا، وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ، وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَذَّفَ فِي النَّارِ».

11. «Уч нарса борки, улар кимда бўлса, у иймон ҳаловатини топибди: Аллоҳ ва Унинг Расули унга бошқа ҳамма нарсадан сеvimли бўлиши; бир кишини яхши кўрса, уни фақат Аллоҳ учунгина яхши кўриши; куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши».

12) «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُوذِ جَارَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ صَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ».

12. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин! Ким

Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин!

(13) «مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَعْلَمُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَفِي قَلْبِهِ وَزْنُ شَعِيرٍ مِنْ خَيْرِ دَخَلِ الْجَنَّةِ».

13. «Ким вафот қилсаю Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деб билса ва қалбида арпа дони вазнича яхшилик бўлса жаннатга киради».

(14) «فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ».

14. Ким лаа илаҳа иллаллоҳ калимасини айтиб, бу билан Аллоҳ розилигини талаб қилса Албатта Аллоҳ таоло унга дўзахни ҳаром қилади.

(15) «لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَتَوَضَّأَ».

15. Таҳорати синган кишининг намози таҳорат олмағунича қабул қилинмайди.

(16) «مَنْ تَرَكَ صَلَاةَ الْعَصْرِ فَقَدْ حِطَّ عَمَلُهُ».

16. Ким аср намозини қолдирса, унинг амали ҳабата бўлибди.

17) «لَيْسَ صَلَاةٌ أَنْقَلَ عَلَى الْمُنَافِقِينَ مِنَ الْفَجْرِ وَالْعِشَاءِ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ

حَبْرًا»

17. Мунофиқларга бомдод ва хуфтондан кўра оғирроқ намоз йўқ. Агар буларда нима (савоб) борлигини билганларида эди, уларга эмаклаб бўлса ҳам келишарди.

18) «إِذَا سَمِعْتُمُ الْإِقَامَةَ فَاْمَشُوا إِلَى الصَّلَاةِ وَعَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ وَالْوَقَارِ، وَلَا تُسْرِعُوا، فَمَا أَدْرَكْتُمْ

فَصَلُّوا، وَمَا فَاتَكُمْ فَاتِمُوا»

18. Иқомани эшитсангиз, намозга юриб келинглар. Ўзингизни вазмин ва виқорли тутинг, шошилманг. Улгурган(ракатлар)ингизни ўқинглар, ўтказиб юборганингизни эса тўлдириб олинглар.

19) «صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً».

19. Жамоат намози ёлғиз– (киши)нинг намозидан йигирма етти даража афзалдир.

20) «إِذَا وُضِعَ الْعِشَاءُ وَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَأَبْدَءُوا بِالْعِشَاءِ».

20. Кечки таом қўйилса-ю, намозга иқома айтиб қолинса, таомдан бошланглар.

21) «إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ لِلنَّاسِ فَلْيُخَفِّفْ، فَإِنَّ مِنْهُمْ الضَّعِيفَ، وَالسَّقِيمَ، وَالْكَبِيرَ، وَإِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ لِنَفْسِهِ فَلْيُطَوِّلْ مَا شَاءَ».

21. Бирортангиз одамларга намоз ўқиб берса, енгил қилсин. Чунки уларнинг орасида заиф, касал ва кексалар бор. Бирортангиз ўзи намоз ўқиганида эса хоҳлаганича чўзаверсин.

22) «سَوُّوا صُفُوفَكُمْ فَإِنَّ تَسْوِيَةَ الصُّفُوفِ مِنْ إِقَامَةِ الصَّلَاةِ».

22. Сафларингизни текисланглар, чунки намознинг тўқислиги сафни текислашдандир.

23) «مَنْ صَلَّى الْبُرْدَيْنِ دَخَلَ الْجَنَّةَ».

23. Ким икки салқин(даги намозни – бомдод ва хуфтон)ни ўқиса, жаннатга киради.

24) «تَفْضُلُ صَلَاةِ الْجَمِيعِ صَلَاةِ أَحَدِكُمْ وَحَدَهُ بِخَمْسٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا، وَتَجْتَمِعُ مَلَائِكَةُ اللَّيْلِ وَمَلَائِكَةُ النَّهَارِ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ».

24. Жамоат намози бирингизнинг ёлғиз ўқиган намозидан йигирма беш баробар афзалдир. Тунги фаришталар ва кундузги фаришталар бомдод намозида жам бўлишади.

25) «مَنْ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا، فَلَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهُ مُثَّلَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ شُجَاعًا أَفْرَعًا، لَهُ زَبَيَّتَانِ، يُطَوِّفُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، ثُمَّ يَأْخُذُ بِلَهْزَمِيهِ - يَعْنِي شِدْقِيهِ - ثُمَّ يَقُولُ: أَنَا مَالِكٌ، أَنَا كَنْزُكَ».

25. Кимга Аллоҳ молу дунё берса-ю, унинг закотини адо этмаса, у қиёмат куни унга яйдоқбош илон бўлиб гавдалантирилади. Унинг икки қора нуқтаси бор. У қиёмат куни (эгасининг) бўйнига ўралиб олади. Кейин икки жағ суягидан – яъни оғзининг икки четидан – тишлаб туриб: «Мен

сенинг мол-дунёингман! Мен сенинг хазинангман!» дейди».

26) «إِذَا أَنْفَقَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ طَعَامِ بَيْتِهَا غَيْرَ مُفْسِدَةٍ كَانَ لَهَا أَجْرُهَا بِمَا أَنْفَقَتْ وَلِزَوْجِهَا أَجْرُهُ بِمَا كَسَبَ، وَلِلْخَازِنِ مِثْلُ ذَلِكَ، لَا يَنْقُصُ بَعْضُهُمْ أَجْرَ بَعْضٍ شَيْئًا».

26. Агар аёл ўз уйининг егулигидан зиён келтирмай нафақа қилса, унга нафақа қилганининг ажри, эрига эса топиб келганининг ажри бўлади. Хазинабонга ҳам ўшанча (ажр) бор. Улар бир-бирларининг ажрларидан ҳеч нарсани камайтирмайдилар.

27) «خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غِنَى، وَابْتَدَأَ بِمَنْ تَعُولُ».

27. Садақанинг яхшиси беҳожатликда бўлгандир. (Уни) қарамоғингдагилардан бошла.

28) «مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْسِكًا تَلْفًا».

28. Бандалар тонг оттирган кун борки, унда икки фаришта тушиб, улардан бири: «Аллоҳим! Инфоқ қилувчига эваз бергин» дейди, иккинчиси: «Аллоҳим! Мумсикка* талафот бергин», дейди».

*Мумсик – ўта кетган хасис, бахил, зиқна киши.

(29) «مَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَسْأَلُ النَّاسَ حَتَّى يَأْتِيَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَيْسَ فِي وَجْهِهِ مُرَعَةٌ لَحْمٍ».

29. Киши одамлардан тинмай тиланаверса, қиёмат куни юзида бир парча ҳам гўшти йўқ ҳолда келади.

(30) «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ فَيَحْتَطِبَ عَلَى ظَهْرِهِ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَأْتِيَ رَجُلًا، فَيَسْأَلُهُ، أَعْطَاهُ أَوْ مَنَعَهُ».

30. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, бировингизнинг арқон олиб, елкасида ўтин ортиб келгани, бировнинг олдига бориб, берса–бермаса, тиланганидан яхшироқдир.

(31) «مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ».

31. Ким Аллоҳ учун ҳаж қилсаю, шаҳвоний нарсалар ҳамда фосиқлик қилмаса, онасидан туғилган кундагидек бўлиб қайтади.

(32) «الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ».

32. «Умра (кейинги) умрагача иккаласи орасидагиларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг* мукофоти эса фақат жаннатдир.

* Мабрур ҳаж – барча арконларига риоя этиб адо қилинган мақбул ҳаж.

(33) «الصَّيَّامُ جَنَّةٌ، فَلَا يَرْفُثُ وَلَا يَجْهَلُ، وَإِنْ أَمْرٌ قَاتَلَهُ أَوْ شَاتَمَهُ فَلْيُقِلْ إِيَّيَ صَائِمٌ مَرَّتَيْنِ».

33. «Рўза қалқондир. (Рўзадор) фаҳш сўз айтмасин, жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар бирор киши у билан уришмоқчи ёки сўқишмоқчи бўлса, икки марта «Мен рўзадорман».

(34) «إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ الرَّيَّانُ، يَدْخُلُ مِنْهُ الصَّائِمُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ».

34. Жаннатда бир эшик бор. У «Раййон» дейилади. Қиёмат куни ундан рўзадорлар киришади, улардан бошқа ҳеч ким ундан кирмайди.

(35) «إِذَا دَخَلَ شَهْرُ رَمَضَانَ فَتُحْتُ أَبْوَابُ السَّمَاءِ، وَغُلِّقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ، وَسُلْسِلَتِ الشَّيَاطِينُ».

35. Рамазон ойи кирса, осмон эшиклари очиб юборилади, дўзах эшиклари эса ёпиб ташланади ва шайтонлар занжирбанд этилади.

(36) «مَنْ لَمْ يَدَعْ قَوْلَ الزُّورِ وَالْعَمَلَ بِهِ فَلَيْسَ لِلَّهِ حَاجَةٌ فِي أَنْ يَدَعَ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ».

36. «Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарк этишига муҳтож эмас».

(37) «قَالَ اللَّهُ: كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ، فَإِنَّهُ لِي، وَأَنَا أَجْزِي بِهِ».

37. «Аллоҳ ҳадиси қудсийда: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза мустасно. Чунки у Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман», деди.

(38) «تَسَحَّرُوا، فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً».

38. Саҳарлик қилинглари, чунки саҳарликда барака бор.

(39) «مَنْ أَكَلَ نَاسِيًا وَهُوَ صَائِمٌ فَلَيْتَمَّ صَوْمَهُ، فَإِنَّمَا أَطْعَمَهُ اللَّهُ وَسَقَاهُ».

39. Ким рўзадор ҳолида унутиб еб қўйса, рўзасини охирига етказсин. Уни Аллоҳ едириб-ичирибди, холос.

40) «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ».

40. Ким иймон билан, савоб умидида Рамазон рўзасини тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади.

41) «إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ، وَلَنْ يُشَادَّ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلَبَهُ، فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَأَبْشِرُوا، وَاسْتَعِينُوا بِالْغَدْوَةِ وَالرَّوْحَةِ وَشَيْءٍ مِنَ الدَّلْجَةِ».

41. «Албатта, бу дин осонликдир. Ким динда ашаддийлашса, (дин) уни енгмай қўймайди. Тўғрилиқни лозим тутинглар, (ҳеч бўлмаса шунга) яқин бўлинглар ва хушхабар беринглар. Эрталаб, тушдан кейин ва туннинг охирида (ибодатга Аллоҳдан) ёрдам сўранглар».

42) «يَسِّرُوا وَلَا تُعَسِّرُوا، وَبَشِّرُوا وَلَا تُنْفِرُوا».

42. Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, бездирманглар.

43) «مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ».

43. Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди.

44) «إِنَّ مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ يُرْفَعَ الْعِلْمُ، وَيَثْبُتَ الْجَهْلُ، وَيُشْرَبَ الْخَمْرُ، وَيُظْهَرَ الزَّانَا».

44. Албатта, илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг қарор топиши, хамр ичилиши ва зинонинг авж олиши қиёмат аломатларидандир.

45) «مَنْ يَقُلْ عَلَيَّ مَا لَمْ أَقُلْ فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ».

45. Ким мен айтмаган нарсани мени айтди деса, дўзахдан жойини олаверсин.

46) «يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ، لَا يُبَالِي الْمَرْءُ مَا أَخَذَ مِنْهُ أَمِنَ الْحَلَالِ أَمْ مِنَ الْحَرَامِ».

46. Одамларнинг бошига бир замон келади, киши (молини) ҳалолданми ёки ҳаромданми – қаердан топганига парво қилмай кўяди.

47) «مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُبْسَطَ لَهُ رِزْقُهُ أَوْ يُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ».

47. Кимни ризқининг кенг қилиб берилиши ёки ажали кечга сурилиши хурсанд қилса, силаи раҳм қилсин.

48) «مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ، وَإِنَّ نَبِيَّ اللَّهِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ

كَانَ يَأْكُلُ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ».

48. Ҳеч ким қўл меҳнати билан топиб еганидан яхши таом еган эмас. Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссалом қўл меҳнати билан кун кўрар эди.

49) «الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا - أَوْ قَالَ: حَتَّى يَتَفَرَّقَا - فَإِنْ صَدَقَا وَبَيَّنَّا بُورِكَ لَهُمَا فِي بَيْعِهِمَا، وَإِنْ كَتَمَا وَكَذَبَا مُحِقَتْ بَرَكَةُ بَيْعِهِمَا».

49. «Сотувчи ва олувчи ажралмагунларича [ёки ажралгунларича] ихтиёрлидир. Агар рост сўзласалар ва (молнинг айбини) очик айтсалар, савдоларида уларга барака берилади. Агар яширсалар ва ёлғон сўзласалар, савдоларининг баракаси ўчирилади.

50) «نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ثَمَنِ الْكَلْبِ، وَثَمَنِ الدَّمِّ، وَنَهَى عَنِ الْوَأَشْمَةِ وَالْمَوْشُومَةِ، وَآكِلِ الرَّبَا، وَمُوكِلِهِ، وَلَعْنِ الْمُصَوَّرِ».

50. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам итнинг пулидан ва қоннинг пулидан қайтарганлар. Вашм* қилиш ва вашм қилдиришдан, рибо ейишдан ва уни едиришдан қайтарганлар ҳамда сураткашни лаънатлаганлар.

Изоҳ: Ҳадисда итнинг савдоси ва бундан келадиган

даромаддан қайтарилмоқда. Баъзи уламолар шунга кўра итнинг пули мутлақо ҳаром, дейишган. Аммо аксар уламолар, жумладан, ҳанафийлар овчи ва қўриқчи итлар каби керакли итларнинг савдоси жоиз, дейишган. Улар юқоридаги ҳадисга қуйидагича жавоб берадилар: «Исломнинг аввалида ит боқиш, қайси шаклда бўлмасин, ҳаром қилинган эди. Шунинг учун унинг савдоси ҳам ҳаром эди. Кейин ов ва бошқа эҳтиёжлар юзасидан ит боқишга рухсат берилди. Бинобарин, унинг савдоси ҳам ҳалол қилинди».

«Сураткаш» деганда ҳар қандай рассом эмас, жонзотнинг суратини қўл билан чизувчи ёки ҳайкал қилиб ясовчи назарда тутилган.

* «Ваши» деб танага игна ёки бошқа восита билан расм ёки сўзни ўйиб, нақш солиш (татуировка) тушунилади.

(51) «الْحَلْفُ مُنْفَقَةٌ لِلسَّلْعَةِ، مُمَحِقَةٌ لِلْبَرْكََةِ».

51. Қасам молни ўтказувчи, баракани кетказувчидир.

(52) «رَحِمَ اللهُ رَجُلًا سَمَحًا إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا اقْتَضَى».

52. Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин!

53) نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تُبَاعَ الثَّمَرَةُ حَتَّى تُشَقَّحَ. فَقِيلَ: مَا تُشَقَّحُ؟ قَالَ: تَحْمَارٌ وَتَصْفَارٌ وَيُؤْكَلُ مِنْهَا.

53. Жобир ибн Абдуллоҳ: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ранг югурмагунча мевани сотишдан қайтардилар», деган эди, шунда: «Ранг югуриши нимаси?» дейилди. У: «Қизариши, сарғайиши ва ейиладиган бўлишидир», деди».

54) «سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ، وَقِتَالُهُ كُفْرٌ».

54. Муслмонни сўкиш фосиқликдир, у билан уришиш куфрдир.

55) «الْكَبَائِرُ الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَقَتْلُ النَّفْسِ، وَالْيَمِينُ الْعَمُوسُ».

55. Гуноҳи кабиралар – Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш ва ғамус қасамдир.

56) «لَا يَزْنِي الزَّانِي حِينَ يَزْنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَشْرِبُ الْخَمْرَ حِينَ يَشْرَبُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَسْرِقُ حِينَ يَسْرِقُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَنْتَهَبُ نَهْبَةً يَرْفَعُ النَّاسُ إِلَيْهِ فِيهَا أَبْصَارَهُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ».

56. Зинокор зино қилаётган чоғида мўмин бўлмайди. (Хамрхўр) хамр ичаётган чоғида мўмин бўлмайди. (Ўғри) ўғрилик қилаётган чоғида мўмин бўлмайди. (Талончи) мўмин

ҳолида бирор нарсани одамларнинг кўзини бақрайтириб таламайди.

(57) «مَنْ شَرِبَ الْخَمْرَ فِي الدُّنْيَا، ثُمَّ لَمْ يَتُبْ مِنْهَا حُرْمَهَا فِي الْآخِرَةِ».

57. Ким бу дунёда хамр ичган бўлса-ю, кейин тавба қилмаган бўлса, охиратдагисидан маҳрум бўлади.

(58) «كُلُّ شَرَابٍ أَسْكَرَ فَهُوَ حَرَامٌ».

58. Ҳар бир маст қиладиган ичимлик ҳаромдир.

(59) «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ».

59. Гумондан ҳазир бўлинг, чунки гумон энг ёлғон гапдир.

(60) «مَنْ أَخَذَ شَيْئًا مِنَ الْأَرْضِ بِغَيْرِ حَقِّهِ خُسِفَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَى سَبْعِ أَرْضِينَ».

60. Ким озгина ерни ноҳақ олса, қиёмат куни уни етти (қават) ер ютади.

(61) «وَتَجِدُونَ شَرَّ النَّاسِ ذَا الْوَجْهِينِ، الَّذِي يَأْتِي هُوْلَاءِ بِوَجْهِهِ، وَيَأْتِي هُوْلَاءِ بِوَجْهِهِ».

61. Одамларнинг энг ёмони анавиларга бир юз билан, манавиларга бошқа юз билан келадиган иккиюзламачи

эканини топасиз.

(62) «لَا يَحِلُّ لِرَجُلٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثِ لَيَالٍ».

62. Кишига ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаш ҳалол эмас.

(63) «أَبْغَضُ الرِّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَلَدُّ الْخَصِمُ».

63. Аллоҳ учун кишиларнинг энг ёмони ашаддий хусуматчидир.

(64) «إِنَّ شَرَّ النَّاسِ عِنْدَ اللَّهِ مَنْزِلَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ اتِّقَاءَ شَرِّهِ».

64. Қиёмат куни Аллоҳнинг наздида одамларнинг энг даражаси ёмони – одамлар ёмонлигидан безиб, четланган кишидир.

(65) «وَأَتَى دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ».

65. Мазлумнинг дуосидан сақлан, чунки у билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқдир.

(66) «الْعَائِدُ فِي هَيْبَتِهِ كَالْكَلْبِ يَعُودُ فِي قَيْبِهِ».

66. «Ҳибасини қайтиб олган киши қусуғини қайтиб олган ит кабидир», деганлар.

(67) «الْجَنَّةُ أَقْرَبُ إِلَى أَحَدِكُمْ مِنْ شِرَاكِ نَعْلِهِ، وَالنَّارُ مِثْلُ ذَلِكَ».

67. «Жаннат сизларга шиппагингизнинг ипидан ҳам яқиндир. Дўзах ҳам шундай».

(68) «اتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ، فَإِنْ لَمْ تَجِدْ فَبِكَلِمَةٍ طَيِّبَةٍ».

68. Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар, агар топа олмасанглар, ҳеч бўлмаса ширин сўз билан.

(69) «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ، وَلَا يُسْلِمُهُ، وَمَنْ كَانَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ، كَانَ اللَّهُ فِي

حَاجَتِهِ».

69. Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади.

(70) «لَيْسَ الْكَذَّابُ الَّذِي يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ، فَيَنْمِي خَيْرًا، أَوْ يَقُولُ خَيْرًا».

70. Одамларнинг орасини ислоҳ қилаётган киши ёлғончи

эмас, зеро у яхшиликни етказади [ёки «яхшиликни айтади»].

71- «انصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا». فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنْصُرُهُ إِذَا كَانَ مَظْلُومًا، أَفَرَأَيْتَ إِذَا كَانَ ظَالِمًا كَيْفَ أَنْصُرُهُ؟ قَالَ: «تَحْجُزُهُ أَوْ تَمْنَعُهُ مِنَ الظُّلْمِ، فَإِنَّ ذَلِكَ نَصْرُهُ».

71. «Золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам биродарингга ёрдам бер», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мазлум бўлганида унга ёрдам берарман. Аммо золим бўлганида унга қандай қилиб ёрдам бераман?» деди. У зот: «Уни зулмдан тўхтатасан [ёки «қайтарасан»]. Мана шу унга ёрдам беришингдир», дедилар».

72- وَأَنَّ أَحَبَّ الْأَعْمَالِ أَدْوَمُهَا إِلَى اللَّهِ، وَإِنَّ قَلَّ.

72. Амалларнинг Аллоҳга энг суюклиси эса оз бўлса ҳам, давомлироғидир».

73- إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ.

73. «Албатта Аллоҳ барча ишда мулойимликни севади».

74- «يُمِيطُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ صِدْقَةً».

74. «Йўлдан озорни кетказиш ҳам садақадир».

75- «السَّاعِي عَلَى الْأَرْمَلَةِ وَالْمِسْكِينَ كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، أَوْ الْقَائِمِ اللَّيْلِ الصَّائِمِ النَّهَارَ».

75. «Бева ва мискин учун елиб-югурган киши Аллох йўлидаги мужоҳид ёки кечаси қоим, кундузи соим (рўзадор) кабидир».

76- «مَثَلُ الْجَلِيسِ الصَّالِحِ وَالسَّوِّءِ كَحَامِلِ الْمِسْكِ وَنَافِخِ الْكَبِيرِ، فَحَامِلُ الْمِسْكِ إِمَّا أَنْ يُحْدِثَكَ، وَإِمَّا أَنْ تَبْتَاعَ مِنْهُ، وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ مِنْهُ رِيحًا طَيِّبَةً، وَنَافِخُ الْكَبِيرِ إِمَّا أَنْ يُحْرِقَ ثِيَابَكَ، وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ رِيحًا خَبِيثَةً».

76. «Яхши ва ёмон суҳбатдош аттор билан босқончига ўхшайди. Аттор ё сенга тухфа беради, ё ундан сотиб оласан, ёки ундан хушбўй ҳид туясан. Босқончи эса ё кийимингни куйдиради, ё ундан бадбўй ҳид туясан».

77- «يُسَلِّمُ الصَّغِيرُ عَلَى الْكَبِيرِ، وَالْمَارُّ عَلَى الْقَاعِدِ، وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ».

77. «Кичик каттага, ўтиб бораётган ўтирганга, озчилик

кўпчиликка салом беради», дедилар».

78- «لَا يَزَالُ قَلْبُ الْكَبِيرِ شَابًا فِي اثْنَتَيْنِ فِي حُبِّ الدُّنْيَا، وَطُولِ الْأَمَلِ».

78. «Кексанинг қалби икки нарсада ёш тураверади: дунё муҳаббати ва орзу-ҳавасда», деяётганларини эшитдим».

79- «نِعْمَتَانِ مَغْبُونٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، الصَّحَّةُ وَالْفَرَاغُ».

79. «Икки неъмат борки, кўп одам уларни бой бериб қўяди: соғлиқ ва бўш вақт».

80- «مَنْ يَضْمَنُ لِي مَا بَيْنَ لِحْيَيْهِ وَمَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ أَضْمَنَ لَهُ الْجَنَّةَ».

80. «Ким менга икки жағининг орасидаги ва икки оёғининг орасидагига кафолат берса, мен унга жаннатга кафолат бераман!».

81- «إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ لِأُمَّتِي عَمَّا وَسَّوَسْتُ أَوْ حَدَّثْتُ بِهِ أَنْفُسَهَا، مَا لَمْ تَعْمَلْ بِهِ أَوْ تَكَلَّمْ».

81. «Аллоҳ умматимнинг (нафси) васваса қилганини [ёки кўнглидан ўтказганини], модомики амалга оширмаса ёки сўзламаса, кечиб юборади».

82- «تُنَكِّحُ الْمَرْأَةَ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا، وَلِحَسَبِهَا، وَجَمَالِهَا، وَلِدِينِهَا، فَاطْفُرُ بَدَاتِ الدِّينِ تَرَبَّتْ يَدَاكَ».

82. «Аёл тўрт нарсаси учун никоҳга олинади: моли учун, насл-насаби учун, жамоли учун ва дини учун. Сен диндорини қозонгин, барака топкур».

83- «وَأَنَا {وَأَنَا} وَكَافِلُ الْيَتِيمِ فِي الْجَنَّةِ هَكَذَا». وَأَشَارَ بِالسَّبَابَةِ وَالْوَسْطَى، وَفَرَّجَ بَيْنَهُمَا شَيْئًا.

83. «Етимни қарамоғига олган мен билан жаннатда мана бундайдир» деб, кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан, уларнинг орасини озгина очиб ишора қилдилар».

84- «مَا زَالَ يُوصِينِي جِبْرِيلُ بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورِثُهُ».

84. «Жаброил менга қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим».

85- «مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَغْرِسُ غَرْسًا، أَوْ يَزْرَعُ زَرْعًا، فَيَأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ إِنْسَانٌ أَوْ بَهِيمَةٌ، إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ».

85. «Қайси бир мусулмон бир кўчат ўтқазса ёки бир экин экса-ю, ундан қушми, инсонми, ҳайвонми еса, бу ундан садақа бўлади».

86 – «لَا تَرْغَبُوا عَنْ آبَائِكُمْ، فَمَنْ رَغِبَ عَنْ أَبِيهِ فَهُوَ كُفْرٌ».

86. «Оталарингиздан тонманг! Ким отасидан тонса, бу куфр ишдир».

87 – «إِذَا كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فَلَا يَتَنَاجَى رَجُلَانِ دُونَ الْآخَرِ، حَتَّى تَخْتَلِطُوا بِالنَّاسِ، أَجَلٌ أَنْ يُحْزِنَهُ».

87. «Агар учта бўлсангиз, то одамларга аралашмагунингизча икки киши бошқасини қўйиб, пинҳона гаплашмайди, чунки бу уни хафа қилади».

88 – «لَا يَتَمَنَّى أَحَدُكُمْ الْمَوْتَ إِمَّا مُحْسِنًا فَلَعَلَّهُ يَزِدَادُ، وَإِمَّا مُسِيئًا فَلَعَلَّهُ يَسْتَعْتَبُ».

88. «Бирортангиз ўлимни орзу қилмасин. Яхши амалли бўлса, шояд (яхшилиги) зиёдалашса. Ёмон амалли бўлса, шояд ризолик топса».

–89 «لَا يُلْدَعُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ وَاحِدٍ مَرَّتَيْنِ».

89. «Мўмин бир қавакдан икки марта чақтирмайди».

–90 «مَا أَنْزَلَ اللَّهُ دَاءً إِلَّا أَنْزَلَ لَهُ شِفَاءً».

90. «Аллоҳ бирор дард берган бўлса, албатта шифосини ҳам бергандир».

–91 «الشُّؤْمُ فِي الْمَرْأَةِ وَالِدَّارِ وَالْفَرَسِ».

91. «Шумланиш аёлда, ҳовлида ва отдадир».

92- «مَنْ أَفْرَى الْفَرَى أَنْ يُرَى عَيْنَيْهِ مَا لَمْ تَرَ».

92. «Уйдирмаларнинг энг ёмони –кўрмаганини кўрдим, дейишдир».

93- «لَوْ كَانَ لِابْنِ آدَمَ وَادِيَانِ مِنْ مَالٍ لَابْتَغَى ثَالِثًا، وَلَا يَمْلَأُ جَوْفَ ابْنِ آدَمَ إِلَّا التُّرَابُ، وَيَتُوبُ اللَّهُ عَلَى مَنْ تَابَ».

93. «Агар одам боласининг икки водий мол-дунёси бўлса, албатта учинчисини истайди. Одам боласининг қорнини фақатгина тупроқ тўлдиради. Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади».

94- «أَعُوذُ بِعِزَّتِكَ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، الَّذِي لَا يَمُوتُ وَالْجِنُّ وَالْإِنْسُ يَمُوتُونَ».

94. «Иззатинг паноҳига қочаман. Ўлмайдиган Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ. Жин ва инсонлар эса ўлади».

95 – «مَثَلُ الَّذِي يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لَا يَذْكُرُ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ».

95. «Роббини зикр қиладиган билан зикр қилмайдиган бамисоли тирик билан ўлик кабидир».

96 – كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَعَوَّذُ مِنْ جَهْدِ الْبَلَاءِ، وَدَرْكِ الشَّقَاءِ، وَسُوءِ الْقَضَاءِ، وَشِمَاتَةِ الْأَعْدَاءِ.

96. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғир балодан, бахтсизлик етишидан, ёмон қазои қадардан ва ғанимларнинг шодлигидан паноҳ сўрар эдилар».

97 – «يُسْتَجَابُ لِأَحَدِكُمْ مَا لَمْ يَعْجَلْ يَقُولُ: دَعَوْتُ فَلَمْ يُسْتَجَبْ لِي».

97. «Модомики бирортангиз: «Дуо қилдим-у, ижобат бўлмади», деб шошмаса, ижобат бўлади».

98- «مَنْ قَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ . فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ، وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ

الْبَحْرِ».

98. «Ким бир кунда юз марта «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳии»,* деса, хатолари денгиз кўпикларича бўлса ҳам ўчирилади».

99- «وَاللَّهِ إِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ وَأَتُوبُ {إِلَيْهِ} فِي الْيَوْمِ أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِينَ مَرَّةً».

99. «Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳ таолога етмиш мартадан кўпроқ истиғфор айтиб, Ўзига тавба қиламан».

100 - كَانَ أَكْثَرَ دُعَاءِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «اللَّهُمَّ رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً، وَفِي

الْآخِرَةِ حَسَنَةً، وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ».

100. «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кўп айтадиган дуолари: «Аллоҳумма, Роббанаа, аатина фид-дунйа ҳасанатан ва фил-аахироти ҳасанатан ва қинаа

Ъазаабан-наар», эди».